



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUB XONASI
INV. 76

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
12 сентябрь
ШАНБА
№ 73
(12.189)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Яна бир қўшма корхона

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ ЗҲҲР ЭКАН

2007 йилнинг 1 июнь куни Оҳангарон шаҳридаги ушбу заводнинг пойдеворида биринчи тамал тоши қўйилган эди. Яйдоқ дала ўрнида қандай корхона бунёд бўлишини кўпчилик тасаввур қила олмасди. Юртимиз мустақиллик байрами арафасидан эса Германиянинг "Штайнерт Индастриз" компанияси 8 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритган бу корхона расман маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Шу кунни улкан пецларга биринчи оловни компания раҳбари Владимир Штайнерт эқиб берди.

Печларнинг ҳарорати олти кун мобайнида 900 даражага етгач, хом гишлар киритилиб, 36 соат пиширилади, — дейди компаниянинг Ўзбекистондаги вакиллари Олимжон Зокиров. — Ийлиги 30 миллион донга гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхонанинг қурилиши жадал олиб борилади. Энергияни тежайдиган юқори самарали технология асосида 5-15 метр ер қаъридаги тупроқдан пишган гишт ишлаб чиқариш муаммолари синиб қўйилди. Фикримизча, биз тўғри ечим ва йўналиш топдик.

Яна шуни таъкидлаш керакки, корхонага хориждан олиб келиб, ўрнатилган ускуналар Ўзбекистонда биринчи тежамкор технология ҳисобланади. Бундай технология фақат Германия ва Хитойда ишлатилади. Ускуналар Хитойдан сотиб олинган. Шунинг учун қурилиш жараёнида хитойлик мутахассислар мунтазам ёрдам беришди. Маҳсулотга харидор ҳам қўлайлиб қолди. Юқори сифатли, қийда иссиқни яхши ушлайдиган, ёзда ичкарига иссиқ ўтказмайдиган халқаро андозадаги бундай маҳсулотлар асосан Марказий Осиё давлатлари ва ўзинида тарқатилди.

Маҳсулот хом ашёси

Қайнар қизил тупроқ қонидан олиниб, бу ерда заводнинг камида 25 йил мунтазам ва барқарор ишлаши учун етадиган катта заҳира мавжуд. Хитойдан 25 тонна юк кўтаридиган қудратли транспорт воситалари келтирилган ва улар хом ашёни жадал етказиб бериб туради. Автоматлаштирилган корхона цехларида ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хозир заводда 98 ишчи-хизматчи иш билан банд. Уларнинг аксарияти оҳангаронликлар. Ишлар юришиб кетгач, иккинчи линияни қуриш ҳам режада бор. Зеро, келгусида аҳолини иш билан таъминлаш учун бу ерда катта имкониятлар мавжуд ва улар наватбати билан амалга оширилаверади.

"Термо Дом" масъулият чекланган жамияти корхонасининг ишга тушиши муносабати билан уюштирилган тадбир иштирокчилари цехларни айланиб, жараёнлар билан танишиш асносида корхона фаолиятига юқори баҳо беришди. Зеро, мустақиллигимиз шарофати билан бунёд бўлган бундай иншоотлар мамлакатимиз иқтисодиёти янада мустақамлашга хизмат қилади.

Нурли АБДУРАСУЛОВ.



ЭЛ НАЗАРИДАН ҚЎЙМАСИН

Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Катталарга ҳурмат қўрсатиш, кексалар ҳолидан ҳабар олиш, нуруний онахон ва отахонларимиз қорига яраш халқимизга хос азалий фазилатдир.

Сўнгги йилларда Оҳангарон шаҳри марказини обод ва кўркам қилиш мақсадида бунёдкорлик ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун бу ерда "Оталар чойхонаси" ишга туширилди. Шаҳар марказидаги чойхона миллий услубда барпо этилди. Анҳор бўйига ўрнатилган сўрилардаги тўшамалар ўзимизнинг миллий матоларимиздан тикилган. 40 ўринга мўлжалланган сўлим гўшада барча

шарт-шароитлар ва қўлайликлар бор.

— Сўрида ўтирсам, ёнимдан зилол сув оқиб, майин шаббод эсади, — дейди юзларидан нур ёйилиб турган Шавкат ота Улмасов. — Дам олиш учун хўп яхши жойини танлашди. Бизларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Юртимизда шундай хайрли ишлар қўлаяверсин.

Яна бир эътиборли жи-

хат, чойхонанинг ажойиб сунъий шаршараси бор. Шаршара остига қўйилган қовун-тарвузлар совутилган ҳолда дастурхонга тортилди. Қўли ширин ошпазлар бир-биридан мазали миллий таомлар тайёрлаб, хўрандаларни хушнуд этиштипти.

— Инсон умрини унинг меҳнати безайди, — дейди Хасанбой ота. — Ана шундай инсонлардан бири Қодир Убайдуллаев оҳангаронликларга шодлик

улашди. "Анҳор", "Махнунот", "Темир ота" каби чойхоналаримиз қаторига "Оталар чойхонаси"ни қўшди. Биз ундан жуда миннатдоримиз.

Эзгулик — эзгуликка йўл очади. Умрини юрт равнақига бағишлаган инсонлар ҳаммаша эл ардоғида бўлган. "Европа Классик" фирмаси раҳбари Қодир Убайдуллаев ҳам ўзининг хайрли ишлари билан халқимиз назарига тушди.

Ирода НОРОБЕВА.

СУРАТДА: янги чойхона хизматидан миждозлар мамнун.

Даврон АХМАД олган сурат.

Сўлимларда тиббий маданиятни оширишга қаратилган дастурга асосан 2009-2013 йилларда қишлоқ врачлик пункти моддий-техник

негизини мустаҳкамлашда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик қўл келмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР БЎЙИЧА

Илмий муассасага бириктирилган қишлоқ врачлик пункти тўдан таъмирланди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги "Гулистон" қиш-

лок врачлик пункти биносини таъмирлаш учун 11 миллион сўм маблағ ажратилди.

Эндиликда Қибрай тумани

ни ҳамда Чирчиқ шаҳридаги муассасалар ҳам шу асосда замонавий қўёфа қасб этмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

СОҲА РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "АКТ сис" лойиҳаси асосида БМТ ривожланиш дастури ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси таъсис бўлиб ташкилотларнинг 22-25 сентябрь кунлари "InfoCom - 2009" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ҳафталик тармоқни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни ўз ичига олади ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси мутахассислари ва кўп сонли фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Тадбирнинг Ахборот-коммуникация технологиялари доир Миллий саммит билан очилиши режалаштирилган. Саммит иштирокчилари Ўзбекистонда соҳа тараққиёти муаммолари ва истиқ-

боллари, ахборот технологияларини давлат бошқарувида жорий этиш борасидаги муаммо ва ечимлар, электрон таълим ва фойдаланиш инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизда электрон тижорат истиқболларини муҳокама этади. Мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, кўргазмада Россия, Жанубий Корея, Украина, Хитой, Австрия, Германия, Венгрия ва бошқа давлатлар вакиллари ҳам қатнашади.

"Тошкент-пресс".

СУҒУРТА: ҚОНУН ВА УНИНГ ИЖРОСИ

Вилоят маънавият ва маърифат марказида "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашга бағишланган ўқув-машғулот бўлиб ўтди. Унда корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компанияси мутахассислари иштирок этди.

Бу қонунга мувофиқ, шу йилнинг 18 октяб-ридан бошлаб барча хўжалик субъектлари мулкчилик шаклидан қўйиб назар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишлари шарт. Шу боис, ўқув-машғулотда суғурта компанияси мутахассислари қонун моҳияти ва ушбу суғурта нима сабабдан жорий қилинаётганини йиғилганларга батафсил тушунтириб беришди.

— Қонун бўйича бу суғурта турини барча хўжалик субъектлари ўзлари хоҳлаган суғурта компаниялари билан бир йил муддатга шартнома қилишлари керак, — дейди "Ўзаг-

росуғурта" давлат акциядорлик компанияси мутахассиси Меҳри Саидилмова. — Суғурта турунинг афзаллиги шундаки, ҳалокат ёки қасб қасаллигига дучор бўлган шахсларга тоовон пулини иш берувчи эмас, компания тўлайди.

Шунингдек, ўқув машғулотда йиғилганларга суғурта шартномаси қандай тузилиши ва унга асосан компанияга тўлашни керак бўлган пул маблағлари ҳақида маълумот берилди.

Йиғилиш сўнгига ўқув-машғулот қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Камолитдин АСКАРОВ.

Вилоят ҲАҲТИ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Бўқа туман бўлими байрамларда кам таъминланган оилалар ва ногиронларга совға-салом улашишни қанда қилмайди.

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ҲАМКОРИ ҚЎП

— Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишланган тантаналар давомида, — дейди жамғарманинг туман бўлими раиси Абдурашид Расулов, — 30 дан зиёд ночор оила ва ногиронларга 1 миллион 300 минг сўмлик моддий ёрдам қўрсатдик. Бизнинг бу ташаббусимизни ногиронлар жамияти давом эттириб, муҳтож ногиронларга махсус аравача тақдим этиб, кексаларга байрам совғалари улашди. Самад ЙЎЛДОШ.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ

Қуйичирчиқ туманида иш ҳақи пластик картчалар орқали тўланаётган ҳодимларга қўлайлик туғдиришга эътибор қўйилмоқда.

"Пахтабанд"нинг Дўстобод филиали хозиргача савдо шаҳобчаларида 40 дан ортиқ терминал ўрнатди. Бу борада Халқ банкнинг туман филиали ҳам орқада қолмаётди. Унинг сай-ҳаракати билан бугунгача 16 та шундай терминал ўрнатилди. Натижада харидорлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қўлаи кенгайди. Юсуф ЖУМАЕВ.

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

— Ҳисобот даври "Адолат" социал-демократик партияси вилоят ташкилоти фаолиятида ҳам муайян из қолдирди, — деди партия конференциясида вилоят кенгаши раиси Комилжон Шодиметов. — Аъзолар ва хайрихоҳларимиз сафи кенгайди. Ҳозирги пайтда аҳолининг яшаш жойларида 307 та бошланғич ташкилот ўз сафларига 5,6 мингдан зиёд аъзони бирлаштириб турибди. Улар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳоли турмушини яхшилаш, қонун устуворлигига эришиш, демократия ва ижтимоий адолат тамойиллари тўла қарор топишига қаратилган фаолиятни авж олдирмоқдалар.

Вилоят партия ташкилоти V конференцияси қатнашчилари вилоят кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузаларини тинглаб, муҳокама қилишди. Таъкидландики, ҳисобот даврида асосий эътиборни шахсонинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, қонун ва адолат, инсонпарварлик ва

меҳр-оқибат тамойилларини кучайтиришга қаратилди, партия ташкилоти вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян ўринга қўтарилиди.

Бирок, маърузачи ва но-тиқлар кўпроқ ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, партия сафлари жанговарлигини ошириш зарурлиги ҳақида гапиришди. Зеро, бошланғич партия ташкилотлари сони ҳамон кам. Чунончи, Бўстонлиқ ва Қуйичирчиқ туманларида уларнинг ўсиши суст. Маҳаллий кенгаш депутатларининг аксарияти ўз ваколатларидан унмол фойдаланмаётди. Улар ижро ҳо-қимияти тегишли идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессиялари, доимий комиссиялар мажлисларига олиб чиқишда ташаббус қўрсатишмапти. Депутатлик корпуси фаолиятида изчиллик, самарадорлик етишмапти. Олмалик ва Оҳангарон шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Юқориқирчиқ ва Янгийўл туманларида бундай ўзибўларчилик айниқса кучли. Ҳатто, олти

лаш ва янада демократлаштириш қамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун бу сай-ҳаракатларга ижобий таъсир қўрсатмоқда.

шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларида номзодлари "Адолат" партияси томонидан қўрсатилган депутатлар йўқ. Партия сафларини ўстириш, янги-янги бошланғич ташкилотларни тузиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ташкилий тарбиявий, ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришда уларнинг ролини ошириш керак.

Конференцияда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И. Соибназаров сўзга чиқди.

Конференция муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиб, партия вилоят кенгаши ва тафтиш комиссиясини, шунингдек, партиянинг V курилотийга делегатларни сайлади. Партия Низомининг янги тахрири бўйича вилоят партия ташкилотининг тақлифлари тасдиқланди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

2010 йил учун
обуна
бошланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси — 205.



— Дугонажон, кел бир ўйнайлик!

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

Bolalik bog'i

AHILLIKDA
GAR KO'P
EKAN

Mana, o'lkamizga oltin kuz tashrif buyurdi. Bog'lardagi meva-chevalar g'arq pishdi, polizlardagi qovun-tarvuzlarga obdon shira kirdi. Paxtazorlar oppoq libosga burkandi. Qu-yosh ham ancha shash-tidan tushdi.

Bugun — yakshanba. Tong otishi bilan boqqa yo'l oldim. Qo'y-qo'zilarini qo'rasidan chiqarib, jarlik tomon haydadam. Ular maysazor oralab o'tlay boshladi. Men tepalikning bir chekkasiga, daraxt tagiga o'tirib, qo'limga kitobni varaqlashga tushdim. Shu payt zo'r berib olg'a intilayotgan chumoliga ko'zim tushib qoldi. U o'zidan ikki barobar katta bug'doy donasini sudrab borardi.

Chumolining jarlikdan chiqishiga o'ziga qolganida, sudrab kelayotgan bug'doyi pastga dumalab ketdi. Chumoli bir fursat turib qoldi-da, ortga qaytib, bug'doyini yuqoriga sudrashga tushdi. Endi yuqoriga etay deganida, bug'doy bilan o'zi ham pastga o'mbalog' oshishdi. U biroz yotib, keyin bug'doy tomon talpindi, uni sudraganicha, yana tepalikka intildi.

Shu hol yanglishmasam, olti marta takrorlandi. Chumolining bug'doyini tepalikka olib chiqishiga ko'zim etmay qoldi.

Shu payt qayoqdandir boshqa bir chumoli paydo bo'ldi. U birinchi chumoliga donni surishda ko'maklasha boshladi.

Nihoyat tepalikka chiqib, donni inlariga olib kirib ketishdi.

Men chumolilarning bu harakatiga lol qoldim. Avvaliga chumoli besamar urinayapti, deb o'ylagan edim. Ammo do'stining ko'magida bu urinish samarali yakun topdi. Shunda tushundimki, birlik, ahillik, hamjihatlik bo'lsa, har qanday murakkab muammoni ham osongina yechish mumkin.

Zulfiya SATTOROVA,
Zangiota tumanidagi
15-maktabning
6-sinf o'quvchisi.

Бу — қизик

БАЛАНД БАЙРОҚ

Дунёдаги энг баланд байроқ устуни Шимолӣ Корейнинг Панмунхон шаҳрида ўрнатилган.

Жанубий Корея билан чегарадош ҳудудда қад кўтарган ушбу устуннинг баландлиги 160 метр, байроқнинг узунлиги 30 метр.

МУСТАҲКАМ БОШ

Британиялик Жон Эванс оғирлиги 159,6 кг. "Мини" русумли автомобилнинг 33 сония давомиди бошида кўтариб турган. Бу рекорд 1999 йилнинг 24 майда "Лондон Студиос"да ўрнатилган.

ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТ

Африка, Яқин Шарқ ва Ғарбий Осиёнинг яримқул ҳудудларида учрайдиган саҳро чигиртаксининг бўйи 4,5-6 см. бўлиб, у ўз оғирлигига тенг миқдорда овқат ейди. Илқ об-ҳаво шароитида чигиртакларнинг йирик тўдалари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтади ва йўлларида дуч келган ўсимликни еб битиради. 50 миллион ҳашаротдан иборат тўда бир кунда йил давомида 500 киши истеъмол қиладиган кўкати еб юборар экан.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Одам савдоси

Исломободнинг маҳабатли "SUG'URTA TAVIR" меҳмонхонаси. Сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар билан ҳамиша гавжум бинонинг 4-қаватидаги 4-хонани "уй хизматчиси" бўлиб ишлаш учун Ўзбекистондан йўлга чиққан қизларга «брон» қилган Асия (исм-шарифлар ўзгартирилган) ангийўллик дугонаси Дилсўзга кўнгирок қилди.

— Мунча сабрсиз бўлмасанг, — телефон гўшагидан товуш сокин хонада жаранглаб эшитилди. — Саккиз қизми самолётда учирдим, миҳозларингни топавер. Эслатиб қўяй, "қуш"ларни чўчитиб юборма.

— Хўп, азизам, хизматинг тақдирлашга муносиб, — тавозе билан хайрлашди Асия, сўнг гўшакини жойига қўйиб, лабини буриштирди. — Товуқми, ҳали сен менга ақл ўргатясанми? Мана-ман деган даллоллар олдимда ип эшолмайди-ю, эҳтиёт бўл деб қайта-қайта эслатишга ўлайми?

...Дилсўз Исломободга қизларни жўнатишга жўнатди-ю, негадир кўнглининг четида бир ҳадик сездди. "Олти ойдан буён шу савдо билан шуғулланяпман-у, бугунгача иси чиқмади,

бундан кейин ҳам тинчлик бўлсин-да..."

Лекин 32 ёшга кирган, икки фарзанднинг онаси Дилсўз Одиловбаева-

набсан, — жазаваси тутди Асиянинг. — Биласанми, сендан зўрлар ҳам мулоийм мушукдек қоидамизга риоя қи-

лишган. Уларнинг олдида сенлар... — у фойдаси йўқ дегандай қўллари силтаганча даҳлизга йўналди.

— Энди ким бўлди, — йигларди Оксана, — қалбан, жисман мажруҳлармиз. Наҳотки, бу одамфурушларга жазо бўлмаса? Кирдикорла-

рини ҳеч ким очиб ташла-маса?!

— Одам савдоси — энг қабиҳ жиноят, — деди жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди раиси Илхом Норматов айбдор Дилсўз Одиловбаева-нинг жиноий ишини судда кўриб чиқиш жараёнида. — Одамфурушликни қасб қилиб олган бу аёл уларни шу тоифадан бўла туриб, ўнлаб ёш қизларнинг келажақ тақдирини зомин бўлаётганларини наҳотки ўйлама-са? Аксинча, ҳамтовоғи Асия Шермухамедова билан жиноий тил бириктириб, алдов йўли билан қизларни Украина, Озарбайжон ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари орқали Покистонга турли давлат фуқароларига сотиш билан шуғулланиб, бу хатти-ҳаракатлар билан тез фурсатда ва ҳеч қанча жон қойитмай, мўмай даромад орттириш пайида бўлишган.

Ха, эрилик қўчасининг боши берк, албатта. Шундай экан, жиноятчилар қилмишлари-га яраша жазо олишлари мукаррар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Утеранный аттестат О'Р-Ш № 0878253, выданный в 2008 году общеобразовательной школой № 1 г. Термеза на имя Химматова Алишера Эржиновича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Учтепа туманидаги Тошкент автомобиль ва йўллари коллежи томонидан 2004 йилда Гаипов Ойбек Рузмирадovich номига берилган К № 067474 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 1995 йил 14 октябрда "О'РТНЧСИ" МЧЖга берилган реестр рақами 09-00671 бўлган Далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Рассом хандаси

Изоҳга ҳожат йўқ.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бoshкармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Жўра САДУЛЛАЕВ

Навбатчи

Мунаввара ИСОҚУЛОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Мунаввара
ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.